


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги

Ал-Хоразмий номидаги  
Урганч Давлат университети

**БАДИИЙ ТАФАККУР  
ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН**



Тошкент – 2003



Дарсдан ташқари тадбирлар ҳам маҳаллий адабий материаллардан фойдаланиш имкониятларидан бири бўлиб, уларни ўқитувчи ҳар бир синф савияси ва мавзуларни шунинг билан ҳолда режалаштиради.

## ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК

Садулла Матёқубов - НДПИ аспиранти

Адабиётда, хусусан ҳар бир қалам соҳиби ижодда янги босқич, юксалиш ҳамшиша янги қаҳрамон билан, янги ижодий индивидуалликнинг пайдо бўлиши билан бошланган. Эпик турга мансуб кичик адабий жанр бўлган ҳикоя ўзига хос имконият ва ҳаётий қамровга эга. У жамиятда рўй бераётган ижтимоий-руҳий силжишларни тез идрок этиш ва акс эттириш, долзарб муаммоларга эътибор қаратиш, давр характери ва руҳини ифодалаш, характерли зиддиятларни акс эттириш хусусиятига эга. XX асрнинг 60-йилларидан эътиборан ўзбек ҳикоянавислари инсоннинг борлиқни ҳис этишига, шахснинг ролига, маънавий-руҳий дунёсига кўпроқ эътибор қарата бошладилар. Адабиётшунос Н Шуқуров таъбири билан айтганда, «... ижодкорнинг воқелиқни ўзича идрок этиши, воқеа-ҳодисаларни ўзига хос образлар ва ифода-тасвир воситалари билан акс эттириши» (1) индивидуал услубни белгилайди.

Шуқур Холмирзаевнинг «Ёсуман», «Кулган билан кулдирган», «Жарга учган одам», «Баҳор келди», «Оғир тош кўча», «Подачи», «От эгаси», «Чўлок турна» каби ўнга яқин ҳикояларини кузатиш асосида носирнинг қаҳрамон характери ва тақдири, табиат ва инсон муносабатлари, ижтимоий-ахлоқий муаммоларни талқин қилишдаги ўзига хослиги сингари масалаларга бақадри ҳол муносабатимизни билдиришга уриндик. Зеро, ҳар бир ёзувчи фақат ўз услуби, ўзига хос ижодий кифоаси ўз овози билан адабиёт ағалмиш кутлуғ даргоҳда ўрин топади, унинг хазинасига муайян ҳисса қўша олади. Рус ёзувчиси А.Блок таъбири билан айтганда «... шоирлар ўз ижодларидаги муштаракликлар билан эмас, балки бир-бирларидан фарқ қилиб турувчи хусусиятлари билан қизиқарлидир» (2).

Шуқур Холмирзаевнинг аксарият ҳикояларида оддий кундалик воқеалар қаламга олинса-да, характерлар ўртасидаги кучли зиддият ўзининг ифодасини топади. У яратган қаҳрамонларнинг руҳияти аксарият ҳолларда бир-бирига зид келади. Эшқувватовнинг аблаҳлиги («Кулган билан кулдирган»), Худоёрнинг «бузилган»и («Ёсуман»), Мастуранинг худбинлик ва шафқатсизликка томон оғиб кетиши («Баҳор келди»), калондимоғ кимсага айланган колхоз раиси Муродов («Оғир тош кўчди»), инсоний туйғулардан бебаҳра гумроҳ бандалар («Подачи»), ўз мансабини суниестемол қилувчи, қаллоб Эгамберди («От эгаси») сингари ўнлаб характерларга дуч келамиз. Ёзувчи уларнинг рўпарасида турувчи биология ўқитувчиси Эҳсон Ёйтиборов, Кўзибой, Афруза, Восит, Ислом, Эсон муаллим, Остонакул чол, Инод сингари ўнлаб характерларни чизади.

Уларнинг ҳар бирида инсоний меҳр-муруват, дўстга садоқат, оддийлик, камтаринлик, камсуқумлик, меҳнатсеварлик, нафақат инсон наслига, балки она табиатнинг ҳайвонот ва наботот дунёсига руҳий яқинлик, фидойилик сингари инсоний сифатлар мужассам. Уларнинг қалбида ҳамшиша ҳам очик-ошкор кўринавермаса-да ғайрининсоний хислатларга қарши ўзига хос бир исён, шахсий муносабат бор.

Ш.Холмирзаев ҳикоялари ҳақида тўхтаётган экан, адабиётшунос Н. Владимирова «...ҳар бир асарда ижодий манерасининг характерли хусусияти намоён бўлади. У яратган характерлар ўртасида контраст кучи бўлиб, у драматик жанрнинг касб этади»(3) – дея қайд этади. Мазкур фикрлар тўла маънода юқоридаги кифоалардан келиб чиқувчи амалий ҳулосаларни тасдиқлайди.

Ҳикоянавис Ш.Холмирзаевнинг мазкур жанрдаги ижодини кузатган адабиётшунос У.Норматов эса уларда «адолатсизликларга нисбатан муросасизлик»ни ҳодисалар тасвиридаги «бирмунча кескинлик»ни кўради (4). Агар дўстлари олдига камситилган Эсон ижодининг ҳали уйғоқлиги, кутилмаганда оёққа қалқниш, инсонлик шайни, нафсониятнинг ҳимоя қиша туриб, итлоаткорлик фалсафасидан, мутъелиқдан воз кечишининг раис Муродовни ҳам эсанкратиб кўйишини эсласак («Оғир тош кўча») бунга тўла амин бўламиз. Бундай инсонларни кўплаб келтириш мумкин. Ўзининг садоқатини тилсиз-забонсиз ҳамроҳи бўлган ҳўқизни касал ва жон таслим қилаётган дамда ҳам бўғзига пичоқ ура олмаган бир қарашда мўмин чолни кўз ўнгимизга келтирайлик. («Подачи»). Бечора чол сўнгги дақиқаларда ҳам руҳан умидворликдан бегона эмас. Оғир йиллардаги ҳамроҳи қаршида кўлида пичоқ билан мишжа қоқмай тонг оттирган чол руҳий тўлқинлари ниҳоятда самимий чизилади. Гарчанд эл мулкни ҳаром ўлдириб, унинг учун талаб қилинган хунни ҳам зинҳор оғринмасдан тўлаётган бўлса ҳам, унинг қалби теран пучмоқларида гумроҳ кимсаларга нисбатан сасиз исён борлигига шубҳа йўқ.

Хотини ва икки нафар фарзандидан жудо бўлган, уй-жойсиз қолган Иноднинг сал бўлмаса гангиб, савдойи бўлиб қолиши мумкин бўлган дамларида энг яқин ҳамроҳи, дўст-сирдоши кўркем қорабайир эди. Эгамбердининг ишқи тушган отни асраб қола билмаган қаҳрамон иложсизликдан уни отиб ташлайди. Муҳими, Ш.Холмирзаев мазкур жараёнга қаҳрамонни этаклаган руҳий ҳолат манзараларини ишонарли чизади. Иноднинг исёни отга қарата отилган ўқдагина эмас, иложсиз бир банданинг ҳаётдаги қаллоблик, мунофиқлик ва нопокликка қарата билдирган ўзига хос муносабатида намоён бўлади.

Кўринадики, Ш.Холмирзаев ҳикояларидаги ўзига хослик бир жиҳатдан инсоннинг фожиавий шароитдаги тўқнашувлари, ҳодисаларни тасвирлашдаги кескинлик, ижтимоий адолатсизликларга нисбатан муросасизлик асосига курилади. Бу ҳол бир жиҳатдан ёзувчи тасвирий манерасига хос дангаллик, чўрткесарлик билан ҳам боғлиқ бўлса керак. Муҳими ёзувчи бағри кенг ва мулоийм ўзбекнинг беғубор қалбини, танти ва мард табиатини, жасурлиги ва курашчанлигини, хотамтойлиги ва оддийлигини ўз ҳикояларида ифода этади. Муҳим ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий муаммоларни кўтариб чиқади.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Шуқуров Н. Услублар ва жанрлар. Т., Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. Б: 7.
2. Блок А. О литературе. М., Федерация, 1931. Б: 88.
3. Владимирова Н. 60-йиллар ўзбек ҳикоянавислигида услубий оқимлар. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. ... «Фан», 1983. Б: 46.
4. Норматов У. Ҳикоячилигимизнинг бугунги тенденциялари. Ҳозирги ўзбек адабиётининг актуал проблемалари. Т., «Фан», 1984, Б: 80.



Шоир учун шеърят эътиқод даражасида улуг. Санъат даргоҳи эса қисматдир. Нафосат чўққисини забт этмоқ учун Аваз тинимсиз ўқиб-ўрганган, изланган:

Аваз, жад айла доим истар эсанг,  
Агар назм ичра бўлмоқ номдори.

(Танланган асарлар, 103-бет).

У шеърый асарлар мазмунининг терапийига, шаклан латифлигига алоҳида эътибор билан қараш орқалигина дилкушо ашъорлар иншо этиш мумкин деб билади:

Эй Аваз, албатта бўлғуси гумонсиз дилкушо,  
Топса мазмуни дақиқот ила гар ашъор зеб.

(Танланган асарлар, 76-бет).

Шоир шеърятининг халқ манфаатига нафи тегадиган, маънавий-руҳий қўллайдиган, таъсирчан тарзда қалбига етиб борадиган даражада инжа бўёқдор, назик маъно жилваланишларига бой бўлишини тилаган ва шунга интилган. Шубҳасиз заҳмат чекишлар ўз ҳосиласини ҳам берган:

Шоҳбайт янглиғ, эй Аваз, назмингни ҳар бир мисраи,  
Овоза топмишдур баци абёт ила ашъор аро.

(Танланган асарлар, 154-бет).

Авазнинг ижтимоий-фалсафий теран мушоҳадалари, адабий-эстетик тажрибадан келиб чиқувчи маърифий қарашлари, шоирона юксак қалби, интилувчан ва изланувчан тафаккури, характер сифатлари юксак инсонпарварликка йўғрилган ғоялари, чуқур руҳий кечинмалару тўлғонишлари ўз даврида ҳам замонлар оша ҳам қадр ва эъзоз топиб келган. Дилкаш ғазаллар шеърхон қалбига йўл топиб, Авазнинг дил сўзларини замонлардан замонларга олиб ўтувчи ўзига хос робита вазифасини ўтаса не ажаб.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Аваз Ўтар ўғли. Девон. Нашрга тайёрловчи В.Раҳмонов. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1976.
2. Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик, 2-жилд, Тошкент «Фан», 1992, Б: 178.
3. Ҳайитметов А. Аваз лирикасида жанр ранг баранглиги. Адабий меросимиз уфклари. Тошкент, «Ўқитувчи», 1997, Б:42.
4. Аваз. Танланган асарлар (П.Шамсиев таҳрири) Ўздавнашр, Тошкент, 1956.

#### МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| Х. АБДУЛЛАЕВ. Махтумқулини янгича англаш қирралари. . . . .                                 | 3  |
| И. ҲАҚҚУЛ. Махтумқули шеърят-таълим академияси. . . . .                                     | 5  |
| С.РЎЗИМБОЕВ, Р.АБИДОВА. Махтумқули ва халқ дostonлари. . . . .                              | 7  |
| З.ДЎСИМОВ. Биродарлик илдизлари. . . . .  | 10 |
| М. САФАРБОЕВ. Махтумқули - сўзлар тили туркманнинг . . . . .                                | 11 |
| Н.МАДРАҲИМОВА Махтумқулининг ўзбек таржимонлари . . . . .                                   | 13 |
| М. ПИРНАЗАРОВ. Туркий халқлар адабиёти тарихи<br>фанни ўрганиш тамойиллари ҳақида . . . . . | 15 |
| И.ЁҚУБОВ Роман стилистикасида сажъ услуби . . . . .   | 17 |
| Г.ХОЛЛИЕВА «Баёзи мутафарриқа»- Хоразм<br>баёзчилигининг ноёб намунаси . . . . .            | 20 |
| Ҳ.АБДУЛЛАЕВ, Г. АҲМЕДОВА. Оғаҳий ижодида фаҳрия . . . . .                                   | 22 |
| Т. МАТЁҚУБОВА Фольклордан рағбат олиб . . . . .   | 24 |
| И. ДЕВАНОВА. Навоийнинг «сабъан сайёр» дostonида рамзлар . . . . .                          | 27 |
| З. МАТҚУЛИЕВА Маҳаллий адабий материал-таълим жараёнига . . . . .                           | 28 |
| С. МАТЁҚУБОВ Ижодий индивидуальлик . . . . .  | 30 |
| С. МАТКАРИМОВА «Даҳр ичра фазл ила тоқ» Саъдий . . . . .                                    | 32 |
| Д. ҚОСИМОВА. «Гул ва Наврўз» дostonидаги ўзлашмалар . . . . .                               | 34 |
| Ў. ПАНАЕВА Омон Матжон: “Америка чиндан зўр жой” . . . . .                                  | 36 |
| М. ЮЛДАШЕВА. Авазнинг кофия қўллашдаги маҳорати . . . . .                                   | 38 |
| С.ОЛЛАБЕРГАНОВА Халфалик анъанаси ва локал хусусиятлар. . . . .                             | 41 |
| Д. ҒОЙИПОВ. Отаниёз Ниёзий адабий мероси манбалари . . . . .                                | 43 |
| С. МАТКАРИМОВА Татаббуъ зеболиклари . . . . .   | 45 |
| Б.РАҲИМОВА Тарихий образ талқини<br>ва ижодкор индивидуальлиги . . . . .                    | 47 |
| И. ХАЖИЕВА Султоний ижодида издошлик анъанаси . . . . .                                     | 49 |
| О.ЁҚУБОВ Дилкаш ғазаллардаги дил сўзлари . . . . .  | 52 |